Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 22 ноябрь, № 235 (6929) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ САРХИЛ МЕВАЛАР, СИФАТЛИ ВА АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎКИН БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 ноябрь куни бозорларни қиш-баҳор мавсумида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларни қайта ишлаш кўламини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ҳўл мева-сабзавотлар экспортини кенгайтириш, шунингдек, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини шакллантириш вазифалари ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳукумат аъзолари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажаришга масъул вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ер майдонларини кенгайтириш, уларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини захирага ғамлаш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар эҳтиёжини таъминлаш бўйича давлат буюртмаси тизими жорий қилинди.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харидоргир турларини такрорий экиш майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сентябрь-октябрь ойларида такрорий экиндан етиштирилган қарийб 65 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Йил бошидан буён мева-сабзавот маҳсулотлари 54 мамлакатга экспорт қилинди. Бангладеш, Филиппин, Сурия, Тайван, Иордания, Македония ва бошқа мамлакатларда янги бозорлар ўзлаштирилди.

Ички истеъмол бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нархнавони мониторинг ва назорат қилиш Республика комиссияси тузилди. Импорт орқали бозорларни танқис ва юқори нархдаги маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Ҳудудлар кесимида 490 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини келгуси қиш-баҳор мавсуми учун ғамлаш параметрлари тасдиқланди.

Бу борада амалга оширилган ижобий ишларни қайд этган ҳолда, айрим ҳудудларда қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш етарли даражада ташкил этилмагани жиддий танқид қилинди. Хусусан, Президентимиз томонидан Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган ва Сирдарё вилоятлари бўйича берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, Тошкент, Наманган, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш жараёнида тижорат банклари томонидан сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқ рақам ва далиллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари қиш-баҳор мавсумида халқимиз дастурхони сархил мевалар, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўкин бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Қиш-баҳор мавсумида халқимизнинг арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ноябрь ойи охирига қадар қўшимча равишда яна 330 минг тонна маҳсулот ғамлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Бу масалада "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси раҳбарияти зиммасига катта масъулият юкланди. Жорий йил октябрь ойида уюшмада амалга оширилган туб ўзгаришлар, унинг таркибига кирувчи ташкилотларга тақдим этилган имтиёз ва преференция бунга кенг имконият яратади.

Тижорат банкларига тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан сотиб олиш учун ажратилаётган имтиёзли кредит ресурслари ҳажмини сезиларли ошириш тавсия этилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини такрорий экиш ҳажмини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, ҳўл мева-сабзавот экспортини кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлар етарлича ишга солинмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ва "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти раҳбарлари томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кенгайтириш бўйича деҳқон ва фермер хўжаликларига кўмаклашиш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида урғу берди. Тошкент, Қашқадарё, Наманган вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги ишлар етарли даражада амалга оширилмаётгани танқид қилинди. Шу билан бирга, мазкур йўналишда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 туман ҳокимлари ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ва ташқи бозорга ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ҳукуматга "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда ўн кун муддатда Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг 200 миллион долларгача бўлган молиявий маблағини жалб қилган ҳолда, ҳудудларда йирик логистика марказлари ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Ушбу логистика марказлари замонавий стандартларга жавоб бериши ва мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ташиш, экспорт қилиш учун барча зарур шароитларга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришга доир чора-тадбирларга аълоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва давлат буюртмасининг асосий параметрлари тўғрисида ахборот берилди.

Президентимиз ҳар бир ҳудуд кесимида аниқ босқичлар, муддатлар ва масъул ижрочиларни белгилаган ҳолда, 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга доир топшириқлар берди. Ички истеъмол бозорида, айниқса, қиш-баҳор мавсумида нарх-навонинг ошиб кетиши ва танқисликка йўл қўймаслик мақсадида ички бозорга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ва уларни экспорт қилиш мувозанатини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда аҳолининг шакар, тухум, балиқ, гўшт ва ёғ каби кундалик зарур маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, уларни барқарор нархларда етказиб бериш юзасидан тегишли идоралар масъуллари, барча туман ва вилоят ҳокимларига аниқ топшириқлар берилди.

Ҳўл мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат буюртмаси параметрларининг сўзсиз бажарилишини тизимли равишда назорат ва мониторинг қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

ЎзА.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 21 ноябрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери ва Корея Республикаси Бош вазири билан ҳам учрашади, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, йирик ишбилармонлар иштирокидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этади.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг Стратегик шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир кўплаб ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, тижорат келишувлари ва шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон — Германия: Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ривожланмоқда

Жорий йилнинг 14 — 17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Германияда бўлди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ташриф доирасида Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилди. Унда мазкур бирлашмага аъзо етакчи компаниялар, жумладан, "Knauf", "MAN", "Siemens", "Claas", "Commerzbank", "Airbus", "SAP", "Deutsche Kabel" ҳамда ГФР Ташқи ишлар вазирлиги, Германия иқтисодиёт ва энергетика федерал вазирлиги, Немис иқтисодиёти Шарқий қўмитаси вакиллари қатнашди.

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, "Knauf" компанияси ижрочи директори Манфред Грундке йиғилишни очар экан, Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг ушбу ташрифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ишбилармонлар кенгашининг ҳамраислигига тайинланиши расмий Тошкентнинг немис бизнесига нисбатан алоҳида эътибори ва ишончидан далолат беришини қайд этди.

М. Грундке таъкидлаганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ катта самарасини кўрсатгани ҳолда, хорижлик сармоядорлар учун ўзбек бозоридаги иштирокини кенгайтириш учун муҳим ишора бўлди. Унинг айтишича, Германиянинг етакчи компаниялари валюта бозорини эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни катта умид ҳамда ишонч билан қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 ноябрь куни жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, ички ишлар вазири, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари, Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, давлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари тизими тубдан такомиллаштирилди, профилактика инспекторларининг билими ва касб тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароити яратиш, ўз вазифаларини бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар-жойи билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Натижада жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 9 минг 698 тага ёки 14 фоиз, жиноят-қидирув йўналишида эса 4 минг 562 тага ёки 11 фоиз камайишига эришилди.

Айни пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламли профилактик тадбирлар туфайли 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд, Хоразм, Наманган вилоятларида, куни кеча пойтахтимизнинг Сергели туманига ташриф буюрганида ҳам "Хавфсиз ҳудуд", "Хавфсиз шаҳар" концепцияларига алоҳида эътибор берди. "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!", деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгида шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида ҳар бир оила, таълим муассасаси, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг муҳим шарти эканини таъкидлаб келмоқда. Бу борада Наманган шаҳридаги Орзу маҳалласи, Хоразм вилоятидаги "Жамоатчилик назорати масканлари" фаолиятидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш, уларни барча ҳудудларга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 15 ноябрь куни ўтказилган йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Бу борада давлат идоралари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги қайд этилди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида ўтказилаётган тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги сезилмаётгани, айрим ҳудудларда аҳоли билан манзилли профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмагани оқибатида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилаётгани таъкидланди.

Ўтган даврда 7730 та маҳаллада жиноят содир этилган. Энг ачинарлиси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилинган.

Йиғилишда бундай салбий ҳолатлар давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида юзага келаётгани қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳар бир идора ўз билганича иш тутиб келаётгани, аксарият тадбирларда муаммонинг ечимига умумий ёндашилаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоралари кўрилиши юзасидан зарур топшириқлар берди.

15 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилган Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясининг ташкил этилиши ва унинг фаолият йўналишлари билан боғлиқ масалаларга тўхталди.

Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим.

Бундан буён вилоят даражасидаги сектор раҳбарлари ҳар 15 кунда марказий телевидение орқали ҳамда барча туман-шаҳар сектор раҳбарлари маҳаллий телевидение орқали махсус кўрсатувларда ҳудудлардаги жиноятларнинг сабаблари, уларни аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолига тушунтириш ва ҳисобот бериб бориши йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари суд, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиноятларнинг яширилишига фавқулодда ҳолат сифатида қаралиши лозимлиги, қамоқ айбдорларни тарбиялашнинг асосий воситаси бўлмаслиги, уларга жазо тайинлашда айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни атрофлича ўрганиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, вояга етмаганлар ва аёлларга жазо тайинлашда судларнинг чуқур мулоҳаза юритиши лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш лозимлигини таъкидлаб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигини қайд этди.

ЎзА.

Фермерлик ҳаракати истиқболи

Амалиёт, муаммо ва ечимлар.

Бугунги кунда республикамизда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Кейинги пайтда улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмасдан, қишлоққа саноатни олиб кириш фаоллик кўрсатишаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 23 мингга яқин фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар ташкил этилиб, сервис хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилгани бунинг ёрқин мисолидир.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан "Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари: амалиёт, муаммо ва унинг ечимлари" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон — Германия:

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатимиз билан муваффақиятли ҳамкорликни йўлга қўйиб келаётган немис бизнеси, молиявий муассасалар ва ташкилотлар вакилларининг юртимизда эркин фаолият олиб бориши учун қўллаб-қувватлаётгани ҳамда зарур шароитларни яратаётгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдириб, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттиришдан манфаатдор эканликларини айтиб ўтди.

Тадбир чоғида Ўзбекистон иқтисодиётига илғор технологиялар ҳамда "ноу-хау"ларни жалб қилиш, шунингдек, таълим, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари бўйича мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Учрашув якунлари бўйича Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишни 2018 йилнинг биринчи ярмида Тошкентда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси, Немис иқтисодиёти Шарқий қўмитаси ва Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши Германия Федератив Республикасининг 200 дан зиёд етакчи компания ҳамда банклари вакиллари иштирокида ташкил этилган қўшма бизнес форуми ушбу ташриф доирасидаги яна бир муҳим воқеа бўлди.

Бавария Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт, ОАВ, энергетика ва технологиялар вазири Ильзе Айгнер анжуманни очаркан, бугунги кунда "Ўзбекистон — келажак бозори" эканлигини таъкидлаб, Германия бизнес ҳамжамияти мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини тасдиқлади. У, шунингдек, машинасозлик, энергетика, электротехника, енгил ҳамда дори-дармон саноати, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишлардаги саноат кооперацияси учун мавжуд кенг имкониятлар юзасидан ҳам атрофлича фикр юритди. Бавария компанияларини юртимизда очилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга, тез ривожланаётган ўзбек бозоридан муқим ўрин эгаллашга чақирди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон томони ҳам Европадаги энг бақувват иқтисодиётга эга бўлган, дунёнинг саноати равнақ топган етакчи давлатларидан бири ҳисобланадиган Германия билан савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ҳукумати раҳбари Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ва бизнес форуми қатнашчиларига мурожаат қиларкан, республикамизда хорижий сармоядорларнинг тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий жиҳатдан барча шарт-шароит яратилгани ҳақида маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ўзавтосаноат" АК ҳамда Германиянинг "MAN", "Knauf", "Siemens" компаниялари ва "KfW" банк тизимига кирадиган Сармоялар ҳамда ривожланиш бўйича немис жамияти ("DEG") вакиллари иштирокида бўлиб ўтган музокаралар тадбир қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Улар ўзларининг Ўзбекистон бозоридаги узоқ йиллик муваффақиятли ҳамкорлик тажрибаларини ўртоқлашар экан, ишбилармонларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Бизнес форуми якунлари бўйича 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 70 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Уларда энергетика, нефть-газ, кимё жабҳалари, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сайёҳлик ва бошқа йўналишларда сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Жумладан, "MAN Truck & Bus AG" компанияси билан "JV MAN Auto-Uzbekistan" корхонаси базасида сайёҳлар учун мўлжалланган автобуслар ҳамда "Volkswagen Amarok" русумли пикап автомобилларини ишлаб чиқариш, "Knauf" халқаро компанияси билан "Бухорогипс" қўшма корхонасида гипсокартон ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, "Viessmann" гуруҳи билан икки контурли иситиш қозонлари тайёрлашни ташкил қилиш, "Bosch" компанияси билан 2018 йил январида Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очиши юзасидан келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, Германиядаги йирик "Siemens" компанияси билан Ўзбекистонда "Хавфсиз шаҳар" мажмуини барпо этиш, Тошкентда ўзининг ўқув марказига эга бўлган онкология, неврология, кардиология ва травматология қўшма клиникасини ташкил қилиш бўйича лойиҳани амалга ошириш бошланади. Жаҳонга машҳур "TUI Group" сайёҳлик компанияси ўзбекистонлик шериклари билан сайёҳлик соҳасида қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга киришади.

Шунингдек, Германиянинг "Deutsche Bank", "Commerzbank", "AKA Bank" сингари расмий молиявий муассасалари сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес, савдо операциялари учун кредит линияларини тақдим этиш ниятидадир.

Мамлакатимиз маҳсулотлари экспортини кенгайтириш мақсадида Германия Федератив Республикасида Ўзбекистон савдо уйини очиш тўғрисидаги шартнома, сархил ҳамда қайта ишланган мевасабзавот маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари ва ўзбек корхоналарининг бошқа товарларини Германияга етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Бавария Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт, ОАВ, энергетика ва технологиялар вазири Ильзе Айгнер, меҳнат, ижтимоий ҳимоя, оила ҳамда интеграция вазири Эмилиа Мюллер, "TUI Group", "Bosch", "Papenburg", "Deutsche Bahn", "Siemens", "HeidelbergCement", "MAN", "SAP", "Volkswagen", "Humana", "Airbus", "BASF", "Falk Porsche Technik", "Knauf", "TAKRAF", "Daimler", "Viessmann", "Textima Export Import", "Teichmann Group" компаниялари ҳамда "Deutsche Bank", "KfW", "Commerzbank", "AKA Bank", "Credit Suisse" (Швейцария) сингари йирик молия муассасалари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказишди. Улар "BMW", "Knauf", "Siemens", "Bionorica" ва бошқа ишлаб чиқариш компанияларида ҳам бўлдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири немис бизнеси вакиллари билан тадбирлар якуни бўйича суҳбатда бўлиб, Ўзбекистон — Германия амалий ҳамкорлигининг истиқболлари юзасидан фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

— Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига сармоя киритган, иш ўринлари яратишга кўмаклашган ҳамда тажриба ва технологияларини баҳам кўрган кўплаб немис компаниялари фаолият юритмоқда, — деди **Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, "Deutsche Kabel AG Taschkent" сармоядори Фальк Порше**. — Яқинда ташкил қилинган ишбилармонлар кенгашимиз немис ишбилармон ҳамда саноат доиралари ўртасида катта эътибор қозонди. Германиянинг 30 дан зиёд йирик компаниялари унинг сафига қўшилгани бу фикрни тасдиқлайди. Уларнинг аксарияти жаҳонга машҳур компаниялардир. Кенгашимизнинг асосий вазифаларидан бири — Ўзбекистонда немис бизнеси фаолияти кенг йўлга қўйилишига эришиш.

Александер Каис,
"Kermi GmbH" компанияси бошқарувчи директори:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг барча жабҳасида самарали ўзгаришларни амалга ошириш ва республикада тадбиркорлик муҳитини такомиллаштиришга алоҳида урғу берилган. Немис ишбилармон доиралари олдида Ўзбекистон томонининг далил-исботлар билан асосланган чиқишлари манфаатдор шериклар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан бизларни рағбатлантирди.

Ян-Дитер Брунс,
"Bruns Pflanzen" компанияси вакили:

— 1876 йилда асос солинган "Bruns Pflanzen" — декоратив дарахтлар, бута ҳамда ўсимликлар етиштириш бўйича Европадаги энг йирик ва энг кўҳна компаниялардан бири ҳисобланади. Германия ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатингиздаги сармоявий муҳит ҳамда ўзгаришлар, айниқса, республика раҳбарияти ва ҳукуматининг Германия билан савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қатъий иродаси ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлдилар.

Шу тариқа Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Германия Федератив Республикасига ташрифи икки томонлама муносабатларга янги туртки берди. Юқори даражада ўтказилган тадбирлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган салмоқли салоҳият, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан муштарак манфаатдорлик мавжудлигини кўрсатди.

«Жаҳон» АА.
Мюнхен — Берлин

БРИФИНГ

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловда иштирок этиш учун ҳар бир тумандан 150 нафар, жами 1650 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинди.

Депутатликка номзодлар рўйхатга олинди

Бу ҳақда Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан уюштирилган брифингда маълум қилинди. Пойтахтимизнинг 11 туманида тузилган сайлов комиссиялари сиёсий партияларнинг аризалари ва уларга илова этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, сайловларда қатнашишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пойтахтимизда ўтган партиялар туман кенгашлари конференция ҳамда пленумларида депутатликка номзодлар кўрсатилди. Депутатликка номзодлар Тошкент шаҳри туманларидаги фуқаролар йиғинлари ёки вакиллари йиғилишларида ҳам кўрсатилди. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод қилиб кўрсатишга ҳақлидир. Қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан номзод кўрсатишга ваколатлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сиёсий партиялар штабларида туман Кенгаши депутатлигига номзодларни танлаш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилди. Улар томонидан тегишли туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида, иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган, билим ҳамда тажрибага эга, фидойи партия вакилларидан номзодлар кўрсатишга алоҳида эътибор берилди. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан ортиғини хотин-қизлар ташкил этди.

Депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти улар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Toshkent" телеканали орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришда бепул эфирга чиқишлари ҳамда "Тошкент оқшоми" — "Вечерний Ташкент" газеталарида бепул босма майдони ажратиш, чиқишларини чоп этишга оид жадвал тасдиқланди.

Брифингда таъкидланганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 27-сессиясида 11 туман сайлов комиссиялари тузилди ва уларнинг шахсий таркиби тасдиқланди. Туман сайлов комиссияларининг регламенти, муҳр ҳамда расмий бланкалари тасдиқланди.

Туман сайлов комиссиялари қарори билан сайлов қонунчилиги талаблари асосида жами 330 та сайлов округи тузилди. Пойтахтимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир учун 885 та сайлов участкаси ташкил қилиниб, уларда сайлов комиссиялари фаолият юритиши ва фуқаролар эркин ўз ҳоҳиш-иродасини билдириши учун барча шароит яратилди.

Туман сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиқлик ва ошкоралик тамойилларига риоя этган ҳолда, юксак демократик руҳда ўтказиш, сайловчиларни сайлов жараёнидан тўлиқ хабардор қилиб бориш мақсадида мазкур сайловнинг ягона матбуот маркази ҳамда туманлар сайлов комиссиялари ҳузурида матбуот хизматлари ташкил этилди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишлар жойларда ташкил қилинган сайлов комиссиялари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка, умумэътироф этилган демократик принциплар ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилмоқда.

Эльвина МУСТАФИНА.

Қурилиш материаллари саноати ва манфаатли алоқалар

Пойтахтимизда "Цемент саноати ва бозори" XV халқаро конференцияси иш бошлади. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти ҳамда Россия Федерациясининг "Бизнес Цем" компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур тадбирда цемент саноати тараққий этган 16 мамлакатдан 50 га яқин йирик компаниялар раҳбарлари ва юртимиздаги цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтлари, олий ўқув юртлари мутахассислари, қурилиш ҳамда кимё саноати вакиллари қатнашмоқда.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Халқаро конференциядан кўзланган мақсад цемент саноатининг ҳозирги ва келгуси ҳолатини муҳокама қилиш, ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал этиш, соҳа вакиллари ўртасида ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, жойларда замонавий тураржойлар, ишлаб чиқариш ҳамда турли ижтимоий соҳа объектлари қад ростламоқда. Эътиборлиси, мазкур жараёнда ўзимизнинг маҳсулотлардан унумли фойдаланилаяпти. Бунга ҳамоҳанг равишда, сифатли қурилиш материаллари, хусусан, цемент етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Айни пайтда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 14 та корхона бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 9 миллион тоннани ташкил қилади. Бунда "Қизилқумцемент", "Оҳангаронцемент", "Қувасойцемент", "Бекободцемент" акциядорлик жамиятлари сингари йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссаси, айниқса, катта.

Жиззах вилоятидаги фойдаланишга топширилганига кўп бўлмаган заводда эса йилига 350 минг тонна оқ, 760 минг тонна портландцемент тайёрланмоқда. Маҳсулот халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Энг муҳими, завод учун зарур бўлган асосий хом ашё — оҳактош корхонадан узоқ бўлмаган жойдан олинади. Захира эса мўл.

Ўтган йилнинг ўн ойида мамлакатимизда 7 миллион 140 тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида мазкур кўрсаткич 7 миллион 500 минг тоннага етказилди. Лекин бу етарли эмас. Чунки айни пайтда юртимизда қурилишлар кўлами шу қадар кенгайдики, бу, ўз навбатида, "қурилиш ҳамиртуруши"га бўлган талабни ҳам орттирмоқда. Шу боис жорий йил Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Фарғона вилоятида иккита завод фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, кейинги йилда умумий қуввати 2 миллион тонна бўлган яна тўртта завод фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Бундай ижобий ўзгаришларда корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади, албатта. Жумладан, яқинда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти ҳамда "Евроцемент групп" холдинги билан келишувга мувофиқ, "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамиятида амалга ошириладиган лойиҳа асосида цементнинг йилига 3 миллион тонна янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Динора ЧИРКОВА олган сурат.

Бундан ташқари, "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятида Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағлари эвазига олиб борилаётган модернизациялаш тадбирлари унинг ишига янада унум бағишламоқда.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда яратиб берилаётган қулай ишбилармонлик муҳити қурилиш саноатида замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ва янги маҳсулотлар билан бойишида муҳим омил бўлаяпти.

— Биз цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарни лойиҳалаштиришдан тортиб, уни қуриб беришгача бўлган ишлар билан шуғулланамиз, — дейди Туркиянинг "DAL Teknik Makina" компанияси вакили Л. Дюрак. — Юртингиз билан ҳам бу борада самарали ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Бунда махсус иқтисодий зоналарнинг ташкил этилгани, асосийси, бунинг учун ҳукуматингиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилгани қўл келаяпти.

Жорий йилнинг 23 ноябрь куни якунига етадиган халқаро конференция ишчан ҳамда амалий кайфиятда бўлиб ўтмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон фуқаросиман!»

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармони Навоий вилоятида яшовчи 57 нафар инсонга ҳам қувонч олиб келган эди. Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда уларга фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

ФАХР

— Бугун жуда бахтиёрман, — дейди асли Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида туғилган Салима Холдорова. — Ана шу қувончли дамларни 25 йилдан буён интиқ кутгандим. Мана, ниҳоят орзуим амалга ошди. Энди Ватаним — Ўзбекистоннинг тўлақонли фуқаросиман. Бундан фахрланаман.

Тантанали тадбирда С. Холдорова сингари яна 56 нафар юртдошимиз фуқаролик паспортини қабул қилиб олди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Коммунал соҳа:

Хизмат сифати яхшиланмоқда

Қаҳратон қиш кунлари коммунал соҳада у ёки бу муаммо юзага келса, ундан, энг аввало, аҳоли азият чекади. Жумладан, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминотидаги узилишлар, иситиш тармоғининг носозлиги каби ҳолатлар, шубҳасиз, одамларнинг кундалик турмушига салбий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юқоридаги каби камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган бўлиб, биргина Сурхондарё вилоятида 33 банддан иборат тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди. Хўш, унинг ижроси қай даражада амалга оширилмоқда?

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Ҳисоб палатаси, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддиларидан иборат Республика ишчи гуруҳи вилоятдаги мавсумга тайёргарлик ҳолатини атрофлича ўрганди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Олис ҳудудлар аҳолиси билан бевосита мулоқотлар уюштирилиб, аниқланган камчилик ҳамда муаммолар жойида ҳал этилди.

Юқори Мачай қишлоғи вилоят марказидан 150 километр узоқликда жойлашган бўлиб, ишчи гуруҳи мавсумга тайёргарлик билан танишишни шу ердан бошлади. Эътиборли томони, шу куни "Ўзавтотранс" акциядорлик жамияти Сурхондарё вилояти ҳудудий газ таъминоти филиалига қарашли "Мачай" маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш маркази фойдаланишга топширилди. 800 дона маиший газ баллонини сақлаш ҳамда тарқатишга мўлжалланган ушбу марказ эндликда тоғли ҳудуд аҳолисига узлуксиз хизмат кўрсатади.

— Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тоғли қишлоғимиздаги кўплаб муаммолар ижобий ечим топаётганидан хурсандмиз, — дейди "Ўрта Мачай" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Моҳира Равшанова. — Аввалари газ баллони олиб келиш учун туман марказига боришимизга тўғри келарди. Қишлоғимизда иш бошлаган марказ ана шу қийинчиликка барҳам берди. Шугина эмас, ишчи гуруҳи аъзолари хонадонларда бўлишди, 10 оилага 5 тонна кўмир ёқилғиси, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Маҳалламиз ҳудудидаги 40-умумтаълим мактабининг иситиш тизими янгидан барпо қилинди. Шунингдек, мактаб зарур компьютер воситалари, дарсликлар ҳамда лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 2 километр масофадаги эскирган таянч устунлари янги бетон устунлар билан алмаштирилди.

Ҳозирги пайтга қадар вилоят аҳолисига 136 минг 162 дона маиший газ баллони етказиб берилган бўлса, ўрганишлар натижасида хонадонларга яна 1 минг 200 дан ортиқ маиший газ баллонлари ҳамда 201,4 тонна суюлтирилган газ тарқатилди. Аниқланишича, вилоятда яна 50 минг дона газ баллонига эҳтиёж мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, тез кунларда республика захирасидан қўшимча маиший газ баллони етказиб бериш вазифаси тегишли мутасаддиларга юклатилди.

— Мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадида Сурхондарё вилояти бўйича 13,2 километрлик табиий газ қувурлари капитал таъмирланиб, 8,5 километрлик қисми реконструкция қилинди, — дейди Сурхондарё вилояти бўйича ҳудудий газ таъминоти филиали раҳбари Алишер Саъдуллаев. — Қолаверса, табиий газ билан таъминлаш имкони йўқ ҳудудлар аҳлига суюлтирилган газ етказиб бериш мақсадида вилоятимиз бўйича 9 та янги сервис марказини қуриб ишга туширдик. Маиший газ баллонлари олиб келиш ҳамда ҳудудларга етказиш учун яна 15 та махсус автотранспорт воситаси сотиб олишни режалаштирганмиз.

Ишчи гуруҳи кўмаги билан вилоят аҳолисига электр энергияси, ичимлик суви, кўмир ва брикет етказиб бериш, йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, 63 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 5 дона трансформатор пункти янгидан қурилди. 14 дона трансформатор пункти ва 176 километр электр узатиш тармоғи жорий таъмирланиши натижасида 3 мингга яқин хонадонларнинг электр таъминоти яхшиланди.

Ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари ҳамда хонадонларнинг муқобил ёқилғига бўлган талаби инобатга олиниб, 3 минг 588 тонна кўмир етказилди, 132 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага 33,4 тонна кўмир бепул тарқатилди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларнинг томи ва ертўла қисмларини таъмирлаш учун эса қўшимча 187 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, Сариосиё туманида 1600 метр масофага қувур тортилиб, 2800 нафар аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ишчи гуруҳи аъзолари 150 дан зиёд эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга озиқ-овқат, қишки кийим-кечаклар топширишди. 15 та қорамол тарқатилди. Қишки мавсум олдидан ўзгалар кўмагига муҳтож 12 нафар ҳамюртимизнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

— Биз каби оддий одамлар турмуш тарзи билан танишиб, муаммоларимизни бартараф этиш учун яқиндан кўмаклашаётганлардан миннатдормиз, — дейди Бойсун туманидаги Даштиғоз маҳалласида яшовчи Гулсоат Абдиева.

— Моддий ҳамда маънавий ёрдамдан бошимиз осмонга етди.

— Тиббиёт муассасаларини мавсумга тайёрлаш даражасини яхшилаш мақсадида ишчи гуруҳи ёрдамида 4 та шифохонада қўшимча иситиш қозонхоналари ўрнатилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдусамад Норқобилов. — Бундан ташқари, энг чекка 12 та қишлоқда истиқомат қилувчи 5 минг нафар эҳтиёжманд аҳоли қатлами, қария ва ногиронлар патронаж тиббий кўригидан ўтказилди. Шулардан 1511 нафарига туман тиббиёт бирлашмаларида, 113 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида ҳамда 8 нафарига республика клиникасида ётиб даволаниш учун йўлланмалар тақдим этилди.

Ишчи гуруҳи томонидан кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида икки кун мобайнида қишки мавсумга озиқ-овқат захирасини тўлдириш учун 390 тонна картошка, 353 тонна пиёз, 121 тонна сабзи, 37 тонна гуруч маҳсулотлари жамғарилди. Ўз навбатида, вилоятдаги аксарият деҳқон бозорларида арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркалари ҳам ташкил қилинди.

Коммунал соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий тармоқларнинг мавсумда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар халқ ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги 3-даҳада истиқомат қилувчи Ш. Ғаниева фарзандини эмлатиш юзасидан шаҳар тиббиёт бирлашмасига бир неча бор мурожаат этгани, лекин мурожаати эътиборсиз қолиб келаётгани хусусида ҳудуддаги Халқ қабулхонасига шикоят йўллади. Ушбу ҳолатни ўрганиш ва зарур чорани кўриш юзасидан Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасига топшириқ берилди. Маълум муддатдан сўнг Халқ қабулхонасига тегишли муассасадан Ш. Ғаниеванинг фарзанди эмлангани ҳақида жавоб хати келиб тушди. Бироқ текширишлар натижасида фуқаро мурожаати қаноатлантирилганига оид маълумотнинг сохталиги, амалда ҳеч қандай иш қилинмагани аниқланди. Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси поликлиникаси мудири Р. Эгамбердиевга "ҳайфсан" интизомий чораси қўлланилди.

Шу билан бирга, ҳамон айрим ташкилот ва идоралар томонидан фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда қонун талабларига риоя этмаслик ҳолатлари ҳам учраб турганидан кўз юмиш қийин. Мисол учун, фуқаро Х. Эгамбердиева Ширин шаҳридаги "Агробанк"дан кредит олиш мақсадида мурожаат этади. Лекин банк масъул шахси бу мурожаатни ўз вақтида кўриб чиқишни негадир ортга суради. Халқ қабулхонаси арала-

Халқ қабулхонаси:

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасида Халқ қабулхонаси институти жорий этилгани фуқаролар ҳамда давлат ўртасидаги муносабатларда шаффофликни таъминлашда янги саҳифа очди. Раҳбар ва мансабдор шахсларда одамлар дарду ташвишлари билан яқиндан танишиш ҳамда адолатли ечимини топишга нисбатан масъулият ҳиссини кучайтирди. Ўз навбатида, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш самарадорлиги сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Хусусан, Ширин шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда биронта ҳолатда ҳам муддат бузилишига, қонунга хилоф равишда кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмади. Фуқароларга ўз муаммосини, дардини тўлиқ ҳамда очиқ баён қилиш имконияти яратиб берилмоқда. Бунда, айниқса, республика ва вилоят миқёсидаги давлат органлари раҳбарларининг сайёр қабуллари катта аҳамият касб этаётир. Ширин шаҳрида ўтган давр мобайнида 19 та ана шундай қабуллар ташкил қилинди.

Жумладан, "Сирдарё ИЭС" акциядорлик жамиятининг қўриқлаш бўлимида ишловчи 98 нафар ходимдан Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатда корхонада оптималлаштириш жараёни кетаётгани, ижтимоий аҳволни эътиборга олиб, мавжуд иш жойларини сақлаб қолишда амалий ёрдам сўралган. Мазкур масала "Ўзбекэнерго" АЖ, Энергетика ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши, "Сирдарё ИЭС" директорлари иштирокидаги сайёр қабулда кўриб чиқилиб, нафақага чиқаётган ходимлар ўрнига қисқаришга тушган ходимларни жойлаштириш ва уларни умумий ҳисобда 0,5 ставкага ўтказиш ҳисобидан иш жойлари сақлаб қолинди.

Худди шу каби, Ширин шаҳар Нуробод маҳалласида яшовчи фуқароларнинг табиий газ таъминотини яхшилаш бўйича қилган мурожаатларини кўриб чиқишда "Сирдарёгазтаъминот" бошқармаси мутасаддилари иштирокида сайёр қабул ўтказилди ва масала жойнинг ўзида ўрганилди. Натижада маҳаллага 3,8 километрлик газ тармоғи тортилиб, муаммо бартараф этилди.

— Маҳалламиздагиларнинг қувончи чексиз, — дейди нурободлик Пардахол опа Бобоёрова. — Ахир етти йилдан буён табиий газ тармоғини янгилаш масаласида кирмаган эшигимиз, бормаган жойимиз қолмаганди-да. Шукрки, Халқ қабулхонаси кўмагида узоқ вақтдан бери қийнаб келаётган мушкулимиз осон бўлди.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ширин шаҳридаги Халқ қабулхонасига шу йилнинг ўтган даврида жисмоний ва юридик шахслардан жами 674 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 400 дан ортиғи қаноатлантирилган. Жумладан, фуқароларга газ, электр энергиясидан асоссиз қарздорлик ҳисобланиши, уларнинг ойлик иш ҳақларининг кечиктирилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий кўмак бериш каби мурожаатлар бўйича амалий саъй-ҳаракатлар кўплаб инсонларнинг қувончига сабаб бўлди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Юридик ёрдам кафолатланган

Нуфузли халқаро экспертлар ҳар бир давлат тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш, ушбу мамлакат билан ҳамкорлик ўрнатиш ёки ташриф буюриш учун, энг аввало, унинг Асосий Қонунини ўрганиб чиқишар экан.



Негаки, Конституция ўша давлатнинг юзи сифатида унинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, қайси моделга асосланиши, маърифатли дунёда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ҳамда қонун устуворлиги ва демократия тамойилларига нечоғли содиқлигини кўрсатадиган тамойилларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Буни Асосий Қонунимиз муқаддимасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсад қилиб олинганлиги, мазмунида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият, дея эътироф этилгани, жаҳон конституциявийлик хазиналари бўлмиш — тенглик, адолат, мафкура ва фикрлар хилмахиллиги, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум қилиб бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси кабилар мустаҳкамланганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, Конституциямизда инсоннинг муҳим ҳуқуқларидан бири, яъни юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, бу амалда тўла таъминлаб келинмоқда. Хусусан, унинг 116-моддасида шундай сўзлар битилган: "Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади".

Ушбу конституциявий нормани амалда таъминлаш учун ўтган йиллар мобайнида юртимизда тизимли ишлар амалга оширилди. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Яъни "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, амалиётга изчил татбиқ этиб келинмоқда. Унинг илк моддасидаёқ бу фаолият тури билан кимлар шуғулланиши масаласига ойдинлик киритилган. Унга биноан, адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан қатъи назар, шуғулланишлари мумкин бўлади. Бу эса Асосий Қонунимизнинг 18-моддасига қанчалар мос эканлигини кўришимиз мумкин: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

Конституциямизнинг 27-моддасида "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга"лиги ифодаланган бўлса, Қонунда адвокат ва унинг касбий фаолияти, адвокатнинг ҳаёти ҳамда соғлиғи давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган.

Умуман олганда, юртимизда истиқлол йилларида адвокатура институти ҳамда унинг мустаҳкам қонуний асоси яратилди. Аммо мазкур институт бугун ўзини тўла оқлаяптими?

Президентимиз Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда таъкидлаганидек, "Қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ҳанузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институтига айлангани йўқ. Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак".

Шундай экан, бу институтни замон талаблари даражасида қандай ривожлантириш мумкин? Бунинг учун эса миллий қонунчилигимизда белгиланган соҳага доир нормалар ижросини таъминлаш кифоядир.

Маълумки, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ҳамда эркин юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилиши, адвокатура манфаатларига дахлдор масалалар давлат органлари томонидан Адвокатлар палатаси иштирокида белгиланган тартибда ҳал этилиши, давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат қилиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан таъминлаши кўзда тутилган бўлиб, эндиги вазифа ушбу меъёрларни амалиётга муваффақиятли тарзда татбиқ этишдан иборат. Ана шунда адвокатура институти халқимиз кутаётган даражада такомилига етади, муҳими, юртдошларимизнинг юридик ёрдам олишга доир конституциявий ҳуқуқлари тўла таъминланади.

Геннадий ДАВЛЕТОВ,
адвокат.

Фермерлик ҳаракати истиқболи

Амалиёт, муаммо ва ечимлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

...Тадбирда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутасаддилари, фермерлар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи олимлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентимизнинг шу йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фермерлик ҳаракатини, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини қонуний ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фермер хўжаликлари, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган, — дейди Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Бахадир Тажиев. — Қолаверса, ҳар йили ҳудудлар кесимида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, ижроси изчил таъминланаяпти. Натижада 4 мингдан зиёд фермер хўжаликлари томонидан 13,5 минг гектарга яқин майдонда интенсив боғ ҳамда токзорлар барпо этилиб, 8 мингдан зиёдида чорвачилик тармоқлари йўлга қўйилган бўлса, 600 дан кўпроқ фермер хўжаликларида иссиқхона, 570 тасида гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг эвазига 95 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг мақоми, уларни ташкил қилиш шартлари ҳамда мезонлари, рўйхатга олиш тартиби аниқ белгиланмагани, кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўядиган фермер хўжаликлари учун молиявий-иқтисодий рағбатлантириш механизми жорий этилмаганлиги айтиб ўтилди. Шу боис ушбу тармоқ фаолиятини тартибга соладиган амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш учун ишчи гуруҳи тузиш лозимлиги таъкидланди.

Анжуман доирасида иштирокчилар Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станцияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, бу ерда олиб борилаётган тадқиқот ишлари асосида ўзаро тажриба алмашишди. 30 гектар майдонни ўз ичига олган ушбу ўқув-тажриба станциясида картошка, пиёз, ерёнғоқ, карам, саримсоқпиёз, қулупнай каби қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари етиштирилаётир. Улар тажрибадан муваффақиятли ўтказилгач, фермер хўжаликларига тавсия қилинади. Бунда университет тадқиқотчиларининг Жанубий кореялик мутахассислар билан амалга ошираётган лойиҳалари ўз самарасини бераётир.

Тадбирда гидропоника усулида помидор етиштириш, унинг ҳосилдор дурагайларини танлаш борасидаги ишлар ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, улар махсус ажратилган майдонда ветеринария соҳасини такомиллаштириш, хусусан, чорвачилик, туячилик, паррандачилик каби тармоқлар равнақи йўлида олиб борилаётган тадқиқотлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси, Ўзбекистондаги Глобал тадбиркорлик тармоғи, Ўзбекистон Республикаси Савдосаноат палатаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган Глобал тадбиркорлик ҳафталиги ниҳоясига етди.

Эзгу ғоялар, ёрқин таассуротлар

Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида ўтказилган тадбирларда ёш ишбилармонлар, соҳа мутахассислари, юртимиз ва жаҳоннинг тажрибали экспертлари, бизнес вакиллари, маркетолог ҳамда малакали тренерлар қатнашди.

— Мазкур анжуман истиқболли бизнес ғояларни ҳаётга татбиқ этишни кўзлаган новаторлар ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшаётган ишлаб чиқарувчилар форумидир, — дейди Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси кузатув кенгаши раиси Ҳикмат Абдураҳмонов. — "Start-up Weekend" ўқитиш курслари, "Start-up Open" мусобақалари орқали ёш ишбилармонлар ўз фаолиятини янада жонлантириш, истиқболли ташаббуслар билан бойитиш бўйича янги билим ҳамда тажрибаларга эга бўлди.

Ҳафталик доирасида иштирокчилар Фарғона шаҳридаги "Туронтекстиль" МЧЖ, "Uzsungwoo" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси, шунингдек, Самарқанддаги "JV MAN Auto-Uzbekistan", "Sam Antep Gilam" қўшма корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тажрибали тадбиркорлар иштирокида ёшлар учун "Муваффақиятга эришиш сирлари" мавзуида маҳорат дарслари ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги глобаллашув даврида, айниқса, турли таҳдидлар, "оммавий маданият", диний экстремизм каби хатарли иллатлар кучаяётган бир шароитда тинчлик-осойишталикни сақлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, шунингдек, фуқаролар тафаккурида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!" деган туйғуни шакллантиришда маҳалла муҳим ўрин тутади.

СЕМИНАР

Шу боис мазкур институтни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда унинг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ қатор вазифалар назарда тутилган.

Президентимизнинг жорий йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга оширишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда давлат органлари ўртасида изчил ҳамкорликни йўлга қўйишда дастуриламал бўлмоқда.

Шулар асосида маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширишда фуқаролар йиғинлари ва улардаги жамоатчилик тузилмалари ишини жонлантириш, тизим фаолларининг жойлардаги давлат органлари, аввало, профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг 13 — 18 ноябрь кунлари республикамизда "Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш механизмлари" мавзуида ўқув-семинарлар ўтказилди.

Уларда туманлар ҳамда шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар ҳамда хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бўлимлари мутасаддилари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллалар кенгашлари ижро аппаратлари ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари ҳамда "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари қатнашди.

Тадбирларда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этишга имкон берувчи шарт-шароитни ўрганишга доир вазифалар ижросини таъминлаш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Жумладан, **Бухоро шаҳрида** ўтказилган ўқув-семинарда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни тизимли ўрганиш, ёшлар тарбияси ҳамда уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда маҳалла фаолларининг иштирокини кенгайтириш бўйича зарур тавсиялар берилди. Қатнашчилар бу борадаги илғор иш тажрибалари билан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар.

— Ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг оқибатини бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш бутун жамият учун фойдалидир, — дейди тадбир иштирокчиси, "Биҳиштиён" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Тўраев. — Биз ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" мақолини ўзимизга дастуриламал қилиб олдик. "Ўз болангни ўзинг асра!" деган эзгу даъват эса ҳудудимизда яшовчи ҳар бир ота-она онгидан чуқур жой эгалламоқда. Шу ўринда самарали фаолият кўрсатишимиз учун маҳалламизда барча қулайлик яратиб берилганлигини айтиш зарур. Яқинда янги замонавий бинога кўчиб ўтдик. Бу ерда маҳалла посбони, профилактика инспектори, йиғин ходимлари хоналари, маънавий-маърифий тадбирларга мўлжалланган заллар мавжуд. Ўқув-семинар давомида эса фаолиятимизни янада жонлантириш билан боғлиқ зарур тавсиялар ва илғор тажрибаларни ўзлаштирдик.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган семинарда ушбу масалалар баробарида, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни тизимли ўрганиш, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашда маҳаллалар иштирокини кенгайтириш, уларнинг давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида урғу қаратилди. Шу мақсадда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман ва шаҳар кенгашлари раислари биринчи ўринбосарлари, ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарларига мазкур йўналишдаги вазифалар моҳияти тушунтирилди.

— "Қайноналар кенгаши", фуқаролар йиғинларининг яраштириш ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари зиммасига нотинч, ноқобил оилалар, ажралиш учун ариза берганлар, жиноят содир қилган хотин-қизларни маънавий соғломлаштириш вазифалари юклатилган, — дейди Кўнғирот туманидаги "Қорақалпоғистон" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қутли Қошимбетова. — Бу йўналишдаги тадбирларни ўтказишда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси масъулдир. Айтиш жоизки, тадбир давомида бу борадаги билимларимизни янада мустаҳкамлаб олдик.

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида уюштирилган ана шундай ўқув-семинарда таъкидланганидек, оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида уларга жамоатчилик тузилмалари бириктирилади. Масалан, "Нуронийлар жамоатчилик кенгаши" зиммасига жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этган оилалар, ҳисобда турган вояга етмаганлар профилактикаси юклатилса, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиялар кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, якка-ёлғиз ва ногиронлар билан ишлайди. Бандлиги таъминланмаган фуқаролар, уй-жойга муҳтожлар ҳамда уюшмаган ёшлар билан маҳалла раиси ҳамда унинг ёшлар бўйича ўринбосари ва йиғин қошидаги вояга етмаганлар, ёшлар ҳамда спорт масалалари бўйича комиссия раиси мунтазам шуғулланади.

— Маҳалламиз ҳудудида 3049 нафар аҳоли истиқомат қилади, — деди Ангор туманидаги "Юқори Талимарон" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори, лейтенант Шерали Хўжақулов. — Олиб борилаётган профилактик тадбирлар туфайли, мана, икки йилдирки, ҳудудимизда бирор маротаба ҳуқуқбузарлик рўй бермади. Бу, албатта, хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан ўтказилаётган бевосита мулоқотлар, уюшмаган ёшларни фойдали меҳнат ва жамоат тадбирларига жалб этиш ҳамда мунтазам ўтказилаётган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари самарасидир. Ўқув-семинарда фаолиятимиздаги ана шундай ютуқлар билан ўртоқлашиш баробарида, ишимизни янада яхшилашга хизмат қилувчи ибратли тажрибаларни ҳам ўргандик.

Жойларда интерфаол услубларда ўтказилган ўқув-семинарлар ўзига хос тажриба алмашиш мактаби вазифасини ҳам ўтади. Қолаверса, ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ мавзудаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга маҳаллалардаги кўчабошилар ҳамда кенг жамоатчиликни жалб қилиш муҳим эканлиги таъкидланди. Айни чоғда бундай тадбирларга етук мутахассислар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, санъаткорлар, ёш қаламкашлар, ибратли оилалар вакиллари, спортчиларни жалб этиш уларнинг таъсирчанлигини оширади.

Бундай ўқув-семинарларни мазкур ҳафта мобайнида республикамиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

ЭЪТИБОР

Мамлакат довруғини дунёга тез ёйишда ҳеч бир соҳа спортнинг ўрнини босолмайди. Янада муҳим жиҳати, спорт ва жисмоний тарбия ривожи, энг аввало, соғлом авлодни тарбиялаш, миллат генофондини яхшилаш, умр кўриш давомийлигини оширишга хизмат қилади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир учрашув ва мулоқотларда одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб, фаровон яшаши учун барча имкониятни сафарбар этиш, инсонлар саломатлигини асраш, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига зарур шароитларни яратиш масалаларига алоҳида урғу бериши бежиз эмас.

Ўзбек спорти:
БУГУНГИ НАТИЖАЛАР БИЗ УЧУН ЯКУНИЙ МАРРА ЭМАС

Жорий йил 31 октябрь куни Юртбошимиз раислигида ўтказилган навбатдаги йиғилиш ҳам давлат ҳамда жамият эртаси учун долзарб саналган масалага бағишланди. Унда республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ҳамда тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва замонавий спорт иншоотларини барпо қилиш каби вазифалар муҳокама этилди.

Тўғри, истиқлол йилларида спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасини бугун шаҳару қишлоқларимиздаги замонавий спорт комплекслари ёхуд "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда Универсиада мусобақаларидан халқаро ареналарга дадил қадам қўйган йигит-қизларимиз тимсолида яққол кўришимиз мумкин. Лекин ҳозирги шиддатли замон қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмай, янада изланишни, янги ёндашувларни жорий қилишни тақозо этмоқда. Айни жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистонда спорт соҳаси ривожида ҳам янги босқич бошланди, дейиш мумкин.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суврат.

Ривожланиш қуйи бўғиндан бошланади

— Очиғи, илгари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги пайтида спорт йўналишида раҳбарият, асосан, комплекс мусобақаларни ташкиллаштириш билан чекланар ёки спортчиларни чет давлатларга юбориш билан банд бўларди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Рустам Қурбонов. — Оммавий спортга эътибор қаратиш, тажрибали кадрларни тайёрлаш масаласи назоратдан чиқиб кетганди. Президентимизнинг 2017 йил 15 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз спорти ривожида янги саҳифа очди. Мазкур ҳужжатга биноан, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ҳамда инфратузилмасини кучайтириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ҳамда мусобақалар ўтказиш, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ҳамда маҳоратини ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ қилиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ташкилотимизнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Қолаверса, Халқ таълими вазирлиги тузилмасидаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро аппарати, 300 га яқин спорт таълим муассасалари қўмита тасарруфига ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад республикамизда болалар спортини ривожлантириш орқали Олимпия ҳаракатини кучайтириш, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланувчилар сони ва салмоғини ошириш, ёш авлоднинг жисмоний тайёргарлиги ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш, ўзбек спортчиларининг Осиё ва Олимпия ўйинлари, турли нуфузли халқаро мусобақалардаги самарали иштирокини таъминлашдан иборатдир.

Ҳудудий бошқарув органлари таркибида 201 туман (шаҳар)да жисмоний тарбия ҳамда спорт бўйича вакиллар фаолияти йўлга қўйилди. Бу жойларда соҳага оид давлат сиёсати, Фармон ва қарорлар ижросини тўла таъминлаш, спортни қуйи поғонадан ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бинобарин, жорий йилнинг ўзида соҳага оид йигирмадан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, уларнинг амалий ифодасини топиши баркамол авлодни тарбиялашдек ўта масъулиятли ишда ҳал этувчи аҳамиятга эгадир.

Бу муваффақиятлар осмондан тушгани йўқ

2017 йилнинг ўтган даврида маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз томонидан 483 та олтин, 394 та кумуш, 536 та бронза, жами 1 минг 413 та медаль қўлга киритилди. Мамлакатимизда халқаро миқёсдаги мусобақалар муваффақиятли ўтказилди. Май ойида Тошкентда бокс бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида вакилларимиз ўн вазн тоифасидан тўққизтасида олтин медалга сазовор бўлди.

Германиянинг Гамбург шаҳрида кечган жаҳон чемпионатида юртимиз чарм қўлқоп усталари 1 олтин, 3 кумуш ҳамда 2 бронза медаль билан тақдирланди.

Албатта, бундай ютуқлар осмондан тушгани йўқ. Соҳадаги сифат ўзгаришлари, табиийки, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир.

— Бугун дунё миқёсида "Ўзбек бокс мактаби" деган атама ҳавас билан тилга олинадиган бўлди, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Раҳматжон Рўзиохунов. — Гамбург шаҳрида Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) томонидан ташкил қилинган нуфузли мусобақада дунёнинг 85 давлатидан 280 нафар спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Эътибор беринг, ўнта вазн тоифасида ўтган финал беллашувларининг тўрттасида ўзбекистонлик боксчилар иштирок этди. Шу пайтгача терма жамоамиз жаҳон чемпионатларининг ҳеч бирида бундай натижа кўрсатмаганди.

Бугун спорт соҳаси учун малакали кадрлар ҳамда мураббийлар тайёрлаш масаласи ғоят долзарб. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланиб, улар ижроси изчил таъминланаётгани ўз самарасини бермоқда.

— Хусусан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Чирчиқ шаҳрига кўчирилди, — дейди мазкур олий ўқув ректори Шоакрам Исроилов. — Натижада институтимиз малакали спортчи ва мураббийларни ўқитиш ҳамда тайёрлаш учун зарур инфратузилмага эга бўлди, замонавий спорт шаҳарчаси барпо этиш имконияти яратилди. Шунингдек, институтда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб сиртқи таълим олиш йўлга қўйилди.

Муаммолар ечими фурсат кутмайди

Айтиш керакки, шу йил 3 июнда Президентимизнинг "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингани соҳа ривожида яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатга асосан, Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унда 2017 — 2021 йилларда жисмоний тарбия ҳамда оммавий спортни янада ривожлантириш учун 995,2 миллиард сўмликдан зиёд маблағ сарфланиши, спорт мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкциялаш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлаш назарда тутилган.

Дастур доирасида бу йил 153 та болалар майдончаси таъмирланди, 232 та замонавий майдонча, Нукус шаҳрида спортнинг олимпия ва миллий турларига ихтисослаштирилган мажмуа фойдаланишга топширилди.

— Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йиғилишда бу борада йўл қўйилган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди, — дейди Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Искандар Жўраев. — Мисол учун, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 39 та спорт иншоотини қуриш ҳамда реконструкциялаш ишлари жадвалдан ортда қолган, сузиш ҳавзаларини замонавий анжомлар билан жиҳозлаш кечиктирилган. Буларни бартараф этиш, йил охиригача қурилиш ишларини якунлаш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Бошқа йўналишлар ҳам кучайтирилади

Жаҳон оммасининг диққат-эътиборида турган нуфузли халқаро мусобақаларда, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчиларининг муносиб иштироки пухта тайёргарликни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ҳамда XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори доирасида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳамкорлигида иқтидорли спортчиларни саралаш ва терма жамоаларни шакллантириш, спортчиларнинг маҳаллий ҳамда хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Рағбат — инсонга қанот

Дунё миқёсида спортчиларнинг мусобақалардаги иштироки унча узоқ давом этмайди. Масалан, футболчи профессионал фаолиятини 17 — 20 ёшида бошласа, 30 дан ошганида у "кекса"лик босқичига киради. Катта спорт билан хайрлашганидан сўнг эса аксарияти ўзини кераксиздек ҳис қилади. Руҳан эзилади. Афсуски, бундай мисолларни спортнинг ҳар бир турида кўришимиз мумкин.

— Президентимизнинг жорий йил 10 августдаги "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорида спортимиз юлдузлари ҳамда уларни камолга етказган тренерларнинг машаққатли меҳнатларини муносиб тақдирлаш, уларнинг тажрибаси ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш, олий ҳамда ўрта махсус маълумот олишлари ва саломатликларини тиклашлари хусусида ғамхўрлик қилингани эътиборга лойиқ, — дейди дзюдо федерацияси бош котиби Ришод Собиров. — Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда спортчи ҳамда мураббийларни моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини ҳимоя қила оладиган спортчилар захирасини тайёрлашдаги иштирокини таъминлашга имкон яратади. Мамлакатимиз спорт жамоатчилиги, тажрибали мураббийлар ушбу қарорни катта хурсандчилик билан кутиб олишди.

Ҳалоллик ва мардлик тимсоли

Кураш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ота-боболаримиз ёшларнинг руҳан ва жисмонан чиниқиши, рақибга ҳурмат билан муносабатда бўлиши учун уларни турли миллий ўйинлар ҳамда кураш мусобақалари орқали тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Зеро, курашнинг ҳар бир инсонда олижаноблик, бағрикенглик фазилатларини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида уни янада оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ҳамда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва жаҳон спорт ареналарида юқори натижаларга эришишни таъминлаш билан боғлиқ қатор вазифалар қамраб олинган. Жумладан, "6 сентябрь — "Кураш" миллий спорт тури куни" сифатида белгиланди.

Президентимиз шу йил "Баркамол авлод" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади", дея алоҳида таъкидлаб, яқин истиқболда ўзбек спортининг жаҳонда оламшумул ютуқларни қўлга киритишига, азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан юқори чўққиларни кўзлаётган юртимиз ёшларига юксак ишонч билдирди.

Истардикки, спорт оламига қадам қўйган ҳар бир ўғил-қиз ана шу ишончга муносиб бўлиш учун интилсин ва бу улуғвор мақсад улар парвозида қанот бўлсин.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонлик ижрочиларнинг маҳорати Варшавада эътироф этилди

Варшавада XX аср охирининг таниқли қўшиқчиларидан бири Анна Герман ижодига бағишланган IV халқаро фестиваль бўлиб ўтди.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ўн тўрт давлатдан, шу жумладан, мамлакатимиздан ҳам ёш истеъдодлар қатнашган тадбирда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Фарида Гиргин ва Варшава умумтаълим лицейи ўқувчиси Сабина Мустафина ўз иқтидорини намоён этди. Улар Анна Германнинг кўпчилик севиб тинглайдиган қўшиқларини маҳорат билан куйлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Анна Германнинг тақдири бир неча мамлакат билан чамбарчас боғланган бўлиб, Ўзбекистон бу рўйхатнинг биринчи қаторида туради. Сабаби, жаҳон эстрадаси юлдузи 1936 йили Урганчда туғилган ва 1942 йилга қадар шу ерда яшаган.

Фестивалда юртдошларимиз чиқишлари муваффақиятли бўлди. Концерт ниҳоясига етганидан сўнг польшалик томошабинлар мамлакатимиз ёшларининг салоҳияти ҳақида жуда кўп илиқ фикрлар айтишди.

Хусусан, мазкур мусиқа форумида қатнашган **Польша сенатори А. Гжесковяк** ўзбекистонлик иштирокчилар қўшиқларни юксак савияда ижро этиб, ҳаммани қойил қолдиришга муваффақ бўлишганини эътироф этди.

— Ҳайъат аъзолари мусиқа ва ашулаларнинг ўзига хослиги ҳамда ижро услубини муносиб баҳолашди, — деди у. — Биз санъаткорларнинг Анна Герман каби баланд пардаларда куйлашганидан завқ олдик. Айниқса, томошабинларга Ўзбекистон вакилларининг чиқишлари ёқди. Ажойиб овоз, гўзал ижро тингловчиларни ҳаяжонга солди.

Ўз навбатида, **Польша театрлари жамғармасининг директори Р. Чисенска** ҳам Ўзбекистоннинг мазкур маданий форумдаги иштирокидан беҳад мамнун эканлигини айтди.

— Бундай тадбирлар маданиятлараро мулоқотларга изчил йўл очиши баробарида, халқларимизни ўзаро янада яқинлаштириш-дек эзгу ишга кўмаклашади, — деди у.

«Жаҳон» АА.
Варшава

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ELXOLDING» МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси
сотувга тақдим қилади.
Ғўза қатор ораларига ва очиқ майдонларга дон экишга мўлжалланган
универсал сеялка УСЗД-3,6-0,9
«ELDOSH EL 150» русумли юк мотоцикллари
Тезлик! Куч! Қулайлик!
Маҳсулот омборларда доим мавжуд.
Тўлов шакли — исталган тарзда.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: (+99891) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.
Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 17-уйда сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, давлат рақами 01/735 TST бўлган, «Audi-A-6» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 49 367 000 сўм.
Аукцион савдоси 2017 йил 25 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 22 декабрь куни соат 18.00.
Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.
Гувоҳнома № 001805.
Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ
«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 19 январь 14-сонидаги эълон билан аукцион савдоларига қўйилган Шарқ қўлёзмалари маркази балансидаги давлат рақами 01/125 SBA бўлган, «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2017 йил 13 ноябрдаги 100-сонли хатига асосан, аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.
Гувоҳнома № 005357.

амкодор • САЛЕО • АМКОДОР - СЕМАШ
ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»
официальный дистрибьютор холдингов «АМКОДОР», «САЛЕО» и «АМКОДОР-СЕМАШ» в Республике Узбекистан
погрузчики фронтальные и универсальные • экскаваторы-погрузчики на базе МТЗ • экскаваторы на гусеничном и колесном ходу • вилочные погрузчики
ТЕХНИКА И ОБОРУДОВАНИЕ ЕВРОПЕЙСКОГО КАЧЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ
комплексы для очистки и хранения зерна • гидравлика
Товар сертифицирован
Тел./факс (+99871) 283-42-18, тел. (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.
Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 01.10 2 3 4 5 6